

БИР СЎМ ҚИММАТ УН

бебахо соғлигингизни тиклашга ёрдам беради
Хозирги кунда республикада ҳомиладор аёлларнинг 80 фоизи, туғиш ёшидаги аёлларнинг 60 фоизи ва болаларнинг 57 фоизи анемиядан азоб чекишмоқда.

2-бет

ЖАНУБДА УЧИНЧИ ФРОНТ ОЧИЛИШИ КЕРАК ЭДИ

Ким СССРни урушга тайёрланмаган дея олади? Уруш бошлангандан 4 кун ўтгач, Қизил армия Эронга бостириб кирди. Бир неча кун ичида шимолий-ғарбий Эрон (пойтахти Техрон билан) Шўро армияси назоратига ўтди. Жанубий Эронни эса АҚШ ва Англия армияси эгаллади. Бунақа ишлар тўсатдан тайёргарликсиз бўлмади.

3-бет

ЭЙЗЕНШТЕЙНГА ИЛҲОМ БЕРГАН ТАМАРАХОНИМ

Тақдирнинг сабаби бирорта ҳужжатда қайд этилмаган. Фақат Ташкентдаги Павленко юборган бир телеграммада "... биринчи (тарихий) қисмини вазирликда қисқартиришди. Қўнмаганма..." деб ёзилган. Шайхонтоҳурдаги киностудияга — Эйзенштейн номига юборилган ҳудди шу телеграмманинг орқа бетида Сергей Михайлович шошилиб ёзган жавоб матни ҳам сақланиб қолган экан: "Биринчи қисмини механик тарзда сценарийдан олиб ташлаб асарнинг яхлит композициясини сақлаб қолиб бўлмайди. Сценарийни тўлалигича сақлаб қолиш учун барча тадбирларни кўринг. Эйзенштейн".

4-бет



Mustaqil gazeta HURRIYAT

1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan Chorshanba kunlari chiqadi E-mail: hurriyat@mail.ru № 36 (498) 2006-yil 6-sentabr

www.hurriyat.uz

Энди газетани эълон қилинган энг сара танқидий-таҳлилий мақолалар, журналист текширувлари, халқаро шарҳлар, машҳурлар билан суҳбатлар, қисқаси, Сизга маъқул ва манзур бўладиган материалларни газетамизнинг халқаро компьютер тармоғидаги www.hurriyat.uz сайтида ўқишингиз мумкин. Шунингдек, тадбиркор ва ишбилармонлар учун ўз рекама ва эълонларини «Hurriyat» веб-саҳифасига жойлаш имкони мавжуд.

Жараён

АНЪАНАГА КЎРА...

Бу ҳақда очиги ёзмоқчи эмасдим. Аммо у ибрат бўлса ва одатга айланса дегандим...
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Фарғона вилоят бўлимида кўп ва хўп хайрли ишлар қилинаётганидан ҳаммасларим хабардор бўлсалар керак деб ўйлайман. Ижодий уюшма вилоят журналистлари бошини қовуштира олганида, уларга илҳом бахш этиб рағбатлантираётганида ва кучли ижтимоий ҳимояни йўлга қўйганида, албатта, унинг раҳбари танкили журналист Муҳаммадjon Обидовнинг ташкилотчилигини қайд этмай бўлмайди.
Анъана... Бу сўз фарғоналик жур-

налистлар учун кадрдон тушунчага айланиб қолди. Мана икки йилдирки, анъанага кўра ижодий уюшма ишлаб топган маблагига Чимён сўхатгоҳига йўланма сотиб олиб вилоятдаги журналистларни уюшган ҳолда бир вақтнинг ўзида саломатликларини мустаҳкамлаш учун юборди. Шу даврда асосан туман, тармок газета ижодкорларидан қарийб 50 нафари дам олиб келади.
Икки йилдирки, анъанага кўра ижодий уюшма вилоят журналистларини мамлакатимизнинг қадим шаҳарларида ўз ҳисобидан саёхатга жўнатади. Шунингдек, анъанага кўра совринча қимматбахо мукофотлар қўйиб

кўплаб танловлар ўтказди.
• Энди матбуот ривожига салмоқли хисса қўшган, қўшаётган журналистлар меҳнати улуғлигини ҳам анъанага айланди. Мамлакат мустақиллигининг 15 йиллиги тантаналари кунинда ижодий уюшма томонидан вилоятдаги 30 га яқин фидойи журналистлар байрам билан қўланди ва уларга соғва-саломлар улашилди.
Хонадонларга ташриф чоғида марҳумлар руҳига дуои фотиҳалар ўқилди. Оила аъзолари, фарзандларига уларнинг ота-оналари қандай журналист экани ҳақида эътибор сўзлари айтилди. Бемор ҳаммасларимизнинг кўнгилларини кўтарадиган мөҳр туй-

гулари улашилди. Ҳамсаф журналистларга эса ижодий уюшма ҳаммиса елкадош бўлишга тайёрлиги билдирилди.
Яна такрор таъкидламоқчиман, булар ҳақида газетда ёзмоқчи эмасдим. Бироқ муқаддама китобларда қайд қилинибди: "Билганини одамларга етказмаслик ҳам гуноҳга тенгдир". Бугун биргина Фарғона вилоятда 93 та босма ОАВ рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатаяпти. Яқин-яқингача ҳамма ўзи билан ўзи эди, яъни муаммолар қаршида ёлғиз қоларди. Журналистлар ижодий уюшмаси қайта ташкил этилди, аввало руҳий бирлигимиз шаклланди. Ижодий ҳамкорлик юзга келди. Қадимиз, қадримизни чуқурроқ хис қилдик. Орзумиз "анъанага кўра" ибораси бардавон бўлсин.

Илҳом НАЗАРОВ

Жавоб

Жорий йилнинг 19 июлида "Hurriyat" газетасида чоп этилган "Водийга автобус қўйиш вақти келди" номли мақола Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХББ томонидан ўрганиб чиқилди.

РУХСАТ БЕРИШ ҚАЙТАДАН КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Халқаро аҳамиятга эга бўлган А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлидаги "Қамчиқ" ва "Резак" туннеллари қурилиши тугатилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 октябр куниндаги 561-сонли фармойишига биноан мазкур йўлнинг доvon қисми орқали автобус йўналишларини йўлга қўйиш масаласини кўриб чиқиш белгиланган.



Мазкур фармойишга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими раҳбарлигидаги хайъат таркиби томонидан ушбу автомобиль йўлининг доvon қисми (116-195 километр) назорат кўригидан ўтказилиб, аниқланган бир қатор камчиликлар бартараф этилгандан сўнг микроавтобус ва автобуслар ҳаракатини очиш мумкин, деган хулосага келинган.
Бугунги кунда ушбу йўлда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур автомобиль йўлининг доvon қисми жорий йилнинг 3 август кунин Тошкент ва Наманган вилоятлари ИИБ ЙХХББ, "Тошкентавтотўл" ва "Наманганавтотўл" йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилотлари, "Қамчиқ" маҳсул пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси, "Янгиобод" йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорт агентлигининг Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳудудий бўлиmlари ходимлари иштирокида назорат кўригидан қайтадан ўтказилиб, унда бир қатор камчиликларни бартараф этиш зарурлиги маълум бўлди ва А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг Қамчиқ доvonи орқали хозирги кунда автобус қатновини йўлга қўйиш мақсадага мувофиқ эмас деб топилди.
Чунки 10 километр масофада қатнов қис-

мини капитал таъмирлаш, 8 километр масофада пидедалар йўлларини қуриш, 8 километр масофада тунги ёриткичларни ўрнатиш, 3 та автобус бекати қурилишини тугатиш, 200 метр масофада йўл марзасини мустаҳкамлаш, автомобиль йўлининг қатнов қисмига ўрнатилган 103 дона ва 6 та фалокатли йўлларга ўрнатилган 1-тоифа-

ли муҳофазаловчи тўсиқларни қайта ўрнатиш, 9 километр масофадаги 1-тоифали муҳофазаловчи тўсиқларни тўғрилаш ва мустаҳкамлаш, 500 метр масофада уларни ўрнатиш, 4500 квадрат метр йўл ва қатнов қисмидаги тўлқинсимонликларни кесил, 8000 квадрат метр йўл қатнов қисмининг қўқма майдонини таъмирлаш, 2 та йўл туташмаси ва 1 та қайрилиш жойини таъмирлаш, 8 та техноложик жараёнлар учун очилган жойларни ёпиш, 180 дона оғохлантурувчи устунчалар ўрнатиш, 3 жойдаги қувурларда ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш, 43 та эскириб яроқсиз ҳолатга келиб қолган йўл белгисини алмаштириш ва "Қамчиқ" туннели ёриткичларини таъмирлаш лозим. Шунингдек, бугунги кунда ушбу автомобиль йўлининг 196-208-километрларида кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.
Маъмур доvonдаги қурилиш ишлари тугатилганидан сўнг юқорида зикр этилган фармойишга асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими раҳбарлигидаги хайъат таркиби томонидан барча турдаги транспорт воситаларининг ҳаракатлиниги рухсат бериш масаласи қайтадан кўриб чиқилади.

(Давоми 3-бетда).

Йўғ-е!

Ўқишга кирганимдан бери ҳар қиллоққа борганимда салкам байрам қилиб кутиб олишди. Кузатиш ҳам шундай. Янги ўқув йили олдидан-ку, худди мени хорижга кузатаётгандек қариндошлар барчаси йиғилишди.

ТАНИШИНГ БЎЛСИН ЭКРАН-ДА


ёки кўчада қолган кизлар

Шу сафар Тошкентга қайта-етганимда амман сўраб қолди: — Етоқхонада турасанми ё "квартира" олсанми? Етоқхоналар яхши бўлмаса керак?!
Буни эшитган отамнинг фиғони фалакка чиқди: — Ҳой, сен нима дейсан? Буларнинг етоқхонаси сену менинг уйдан зўр. Замонавий алламбало тақир-туқурлари ҳам бор. (Отам компьютер ва бошқа техник жиҳозларни назарда тутганди). Янгиланган Талабалар шаҳарчасини шахсан Президентимизнинг ўзи бориб очди, талабаларга топширди-ку!
— Мен қаредан билай, ака, Тошкентни тушишда ҳам кўрмаса бўлсам, — деб енишгандай бўлди амман.
— Мен ҳам бормаганман. Телевизордан кўриб. Сенлар-ку оилавий сериал-верия кўришдан бўшмасан, қаредан билардинг?
Отамнинг иштини қайтарганим келмади. Бизнинг етоқхона Талабалар шаҳарчасида жойлашмаган демократ бўлим-у, иншоаман. Қолаверса, етоқхонамиз ҳам қайта таъмирланган, шариотлари яхши...

— Ҳалиям ишанба кунини келмабсиз, — дейишди мена. — Жуда салқин эди. Бугун ҳаво яхши-ку!
— Эртага бешинчи сентябрь кунини ҳам дарсага бормасдан квартира қидирамиз, чоғи.
Этибор бермабман. Иккинчи кўрсалар ҳам турган экан.
— Нега сиз кирмадингиз? — деб сўрасан.
— Мен бугун келдим. Ариза ёзиш керак экан. Деканнинг қўли бўлиши керак экан, — дейди.
Наҳотки, бир нарча қўғоз одамдан устун бўлса?! Наҳотки, етоқхонада шунча бузи хо-налар бўла туриб бир кечага жой беришмаса?! Аслида, ҳаммаси талабалар учун эмасми? Бироз аччиқ устида ҳам айтишни мумкинки, ахир декану "замдеканлар", етоқхонадаги "комедантлар"... агар талабалар бўлмаса, улар ҳам бу лавозимларда ишлай олмайдилар! Шундай эмасми?

Етоқхона ҳовлисидаги азиям чинорлар тасвида утирибмиз. "Домлар" айланиши иссиқ-уларига жўнаб кетишимиз.
— Янашрича, етоқхонага кира-риб ола билади. Лекин "комедант" ва шунга ўхшаш "мансаб" аҳолилар кўриб қолса, уларнинг аялларидан музам бўлиб туришни уйласан, кўчада ҳам ётишга тайёрман, — дейди ҳаво салқинлигидан жонжикаётган бир қиз. — Ахир, контракт тўлаб қўйганимиз-ку! Ўки энди учинчи курс бўлидинг, озорку талаба деганларми?
Менинг ҳовлида ичкари киролмай утириш "стаж"им камроқ. Шунинг учун жамғина фақат қўнунларим билан. Одинок қилиб амаллаб жўнаб кетган экан, қизлар ташкаридаги хаммаси қизлар.
— Ҳечқиси йўқ! Барибир кирганимиз. Бизни ҳам биринчи кунини шундай олиб утиришган. Соат ўндан ўтганидан кейин худди хизматкорига раҳм қилаётган бойлардай ичкарича "таклиф қилишди".
— Дилмурод ака билан аяллашиб бўлмасмикин? Олдинлари кирт беғоналар ҳам пўл бериб етоқхонага туришарди-ку!
— Қиз била бошиге билан қандай гапласан? Булсан-булсан, "комедант"дан танишинг бўлсан экан-да!
Қўнунда хўрқ ва гўрр аралаш қандайдир тўйгу хўрқорон. Майли, биз — талабаларимиз "Талабалар" турар жойи "га киритмасилар". Эрталабадан шу Бочинчорна бош қўйиб уюшмага тайёрман. Эрта тонадан эса миллион бўлмайди, ичкарага уй топаман...

Балки "УНИВЕРСИТЕТИ-МНЗ КАТТАЛАРИ"нинг мақсади талабаларни шундай ўйланишга мажбур қилишдир.
Ким бўлди, бу "тузилмача тушурув" талаба деб, (чунки бизда ўз ҳақини талаб қилганларни шундай аташди) мақола таъини оғинчи қаралмасми? Ахир, мен битта эмасман-ку?
Айтсанча, ўқайдисан университетини унингзи билди олгандингиз? Очқай айти қолай, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ўқийман.
Илтимос, исм-фамилияни ошкор қилманг. Чунки...
Халис ТАЛАБА



Олтин куз таровати.

Сўрагандингиз

Ҳаётда ҳар биримиз турли хил ҳодисаларга дуч келишимиз табиий. Шундай экан, кимдир қаргадир, албатта, мурожаат қилишга мажбур бўлади. Лекин, айниқса, ариза ва шикоятларга ҳамма идора ҳам ўз вақтида жавоб қайтармайдими. Бундай ҳолга, айниқса, қишлоқ ва туманларда кўп бор дуч келиш мумкин. Лекин мен ҳалигача кимнингдир мурожаатига ўз вақтида жавоб бермаган фалончи фалончиевнинг жазоланганини эшитганим ёки кўрганим йўқ. Қонунларимизда ана шундай ҳолат инобатга олинганми?

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бево-сита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари муассасалари ёки халқ вакилликларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ариза, тақлиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилиши лозимлиги ўрнатилган.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бево-сита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари муассасалари ёки халқ вакилликларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ариза, тақлиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилиши лозимлиги ўрнатилган.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бево-сита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари муассасалари ёки халқ вакилликларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ариза, тақлиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилиши лозимлиги ўрнатилган.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс бево-сита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари муассасалари ёки халқ вакилликларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ариза, тақлиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилиши лозимлиги ўрнатилган.

сидати Қонунда фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликларни бузилган ҳолда судга мурожаат қилиш тартиби белгиланган.
Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасида "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик" учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бунга кўра фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқилиши мансабдор шахсларга қаратадиган тартибда рад қилган, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узурли сабабсиз бузган ёки асоссиз, қонунга зид қарорлар қабул қилган бўлсалар, маъмурий тартибда жавобгарлик қўришга асос бўлади. Фуқароларнинг бу шикоятлари бўйича тўлган ишлар маъмурий ишлар бўйича судлар томонидан кўриб чиқилиб, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч

Семинар

«ЭНГ ЯХШИ ТЕЛЕКЎРСАТУВ»

Бухоро ва Навоий вилоятларида ўтган тадбирда Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси томонидан эълон қилинган танлов якунлари эълон қилинди

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Бухоро ва Навоий вилоятларида икки кунлик сайёр семинар ўтказди. "Нодавлат электрон ОАВнинг мамлакат тарихидаги ўрни ва роли" мавзусидаги тадбирда республикаимиз нодавлат телерадиостанция журналистлари ва техник ходимлари иштирок этдилар.
Миллий ассоциация аъзолари томонидан қабул қилинган нодавлат телерадиостанциянинг 2006-2007 йиллардаги ривожланиш дастурига мувофиқ, сўнгги пайларда мамлакатимиздаги хусусий телерадиостанциялар фаолиятида тўб ўзгаришлар кузатишмоқда. Ушбу дастур юртимизнинг турли бурчакларида иш олиб бораётгани нодавлат телерадиостанциялар ижодий ва техник салоҳиятини ошириш, халқаро стандартлар ва замон талабларига жавоб берадиган дастурлар тайёрлашни кўзда тутади.

Семинар давомида қатнашчилар Бухоро ва Навоий вилоятларида ушбу дастурнинг ижроси, худудда жойлашган бир қатор нодавлат телерадиостанциялар фаолияти, уларнинг техник ва ижодий имкониятлари билан танишдилар.
Бундан бир муддат олдин Нодавлат электрон ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Миллий ассоциация билан биргаликда "Замондош", "Энг яхши телекўрсатув" ва "Энг яхши ижтимоий ролик" йўналишларида танлов эълон қилган эди.
Тадбирда мазкур ижодий мусобақаларнинг якунлари ҳам эълон қилинди. Бунга кўра, "Замондош" номинациясида "Жиззахим — қуёшим", "Маргилон", "Денов АТБ" телестанциялари, шунингдек, "Наврўз" радиоканали галиб деб топилди.
Танловнинг "Энг яхши телекўрсатув" йўналишида "Истиклол", "Самарқанд-СТВ", "Тараққиёт", "Мулоқот" ва "Шаҳрисабз" телестанцияларига етадиган топилмади.
"Самарқанд-СТВ", "Шаҳрисабз", "Қоинот", "Жиззахим — қуёшим", "Истиклол" телестанциялари ҳамда "Орият", "Замин", "Водий садоси", "Пойтахт" ва "Наврўз" радиоканаллари эса "Энг яхши ижтимоий ролик" номинациясида совриндор бўлишди.

Икки кунлик анжуман давомида Бухоро шаҳрида фаолият юритиб келаётган "Истиклол" телестанцияси ташкил этилганининг 10 йиллик тантанаси ҳам ўтказилди.
Иштирокчилар қадим шаҳарнинг тарихий осори атиқалари ва диққатга sazovor масканларида ҳам бўлишди.

МУХБИРИМИЗ



Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади

Танловга

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида қайд этилишича, дунёнинг 40 фоиз аҳолиси анемиядан азият чекапти. Бу дардга мубталолик кўп ҳолларда темир танқислиги туфайли юзага келар экан.



бебахо соғлигингизни тиклашга ёрдам беради

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, анемия кўпроқ болалар ҳамда ҳомиладор аёлларда учрайди. Чунки уларда темир моддасига бўлган эҳтиёж эркекларга нисбатан 3-5 марта юқори. Темир етишмовчилиги эса гўдакларнинг кам вазн билан туғилиши, болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида тенгқурларига нисбатан ортада қолиши, болаларнинг тез-тез касал бўлиши, катталарда жисмоний кучнинг ва чидамлилигининг пасайишига олиб келади.

“Уни бойитиш бўйича Миллий дастур” да таъкидланишича, жаҳондаги атиги 48 мамлакатда уни бойитилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам уни бойитилмаган мамлакатлар сифатини жой олди. Жумладан, Жиззах вилоятининг икки шаҳрида темир билан бойитилган ун сотува чиқарилган.

Табиийки, ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: нега гуруч ёки картошка эмас, балки айнан ун бойитилмоқда? Жабуи эса аниқ: нонни биз ҳар кун истеъмол қиламиз. Демак, витаминлар ва темир моддасини организмимиз ҳар кун етарли миқдорда олади.

Ўзбекистон аҳолиси асосан биринчи навли ун истеъмол қилаётганига боис шу навли ун бойитилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бир килограмм бойитилган уннинг нархи оддий унга нисбатан бир сўмга қимматлашади, холос. Бойитилган ун қопида ёки қопдаги ёрликда “Соғлом маҳсулотлар” белгиси бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари Ижодий уюшмаси вилоят бўлими, “Қалам” клуби ҳамкорлигида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган анжуманда ана шу ҳақда сўз юритилди. Қалам аҳли вакиллари мулоқот пайтида “Соғлом авлод учун”, “Меҳр-шафқат ва саломатлик” хайрия жамғармасининг маҳаллий бўлимига томонидан мазкур йўналишда бажаришга вазифалар қўлама билан таништирилди.

Сайёра ЭРГАШЕВА

Ҳамкасб

Қасбим тақозосига кўра, газета учун сурат ахтариб хатлар бўлимига ёки тахририятдаги чоғроқ “архив”ни тиктилашимга тўғри келади. Ушанда кўлимга кўпинча биз учун тарихга айланган, нодир суратларни учратиб қоламман. Орқа бетига “Ғулом Алиев суратга туширган” деган ёзуви бор. Улар олтиминчи йиллардан ҳозирга қадар даврни ўз ичига олади.

Атоқли ёзувчи ва шоирлар Чингиз Айтматов, Қайсин Қулиев, Назир Сафаров, академик Воҳид Абдуллаев портретлари. Бахши шоирларга бағишланган ўрашув оллари. Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллиги тантаналари. Нурунийлар суҳбати. Уругтудгаи “Бешқарсақ” фольклор дастасининг илк чиқиши. “Қовун сайллари”, ўтмиш бўлиб қолган шўро даврининг тантанавор мажлис ва байрамлари. Тарихий шахс ва сиёсий арбоблар. Пахтакор чўпонлар...

Суратлар жуда кўп. Барчаси газета юзини кўрган, одамларга завқ бағишлаган. Булар фидойий фотожурналист Ғулом Алиевнинг ижод маҳсуллари — газета учун ҳам, тарих учун ҳам муҳим аҳамият касоб этадиган суратлар.

Ғулом ака бугун ҳам, айниқса Мустақилликдан кейинги ўсиш-ўзгариш, тараққиётлардан илҳомланиб яшамоқда. Хусусан, кейинги йилларда Самарқанд шаҳридаги ўзгаришлар, ободонлаштириш ишлари, тарихий-маданий обидаларнинг қайта жило топиши унга маъдад бермоқда.

Истеъдодли фотожурналист Ғулом Алиев ўз ижодий йўлини вилоят “Ленин йўли” (ҳозирги “Зарафшон”) газетаси билан боғлаганига эллик йил бўлди. Ярим аср аввал унинг илк фотосурати мазкур газетادا босилиб чиққанди. Шундан кейин Ғ. Алиев шу

СУРАТЛАРГА ТАРИХНИ МУҲРАЛАН

фотожурналист Ғулом Алиев сийратига чизгилар

газетада фотомуҳбир сифатида қарийб 40 йил фаолият кўрсатди. Бу айтишга осон. Бироқ газетачилик ишини ўша пайтларда ҳам, ҳозир ҳам игна билан кудук қазишдек машаққатли ишга қарата қарайди. Бу инсонда сабр-тоқат, касбига меҳр-муҳаббат, жамоасига садоқат сингари фазилатлар бутун бўй-баста билан намойён бўлади.

Масалан, эллигинчи-олтиминчи ва ундан кейинги йилларда вилоятларда бор-йўғи бир ёки иккита газета чоп этиларди. Бирини ўзбек тилида, иккинчисини рус тилида ҳафтада беш мароабата чиқадиган бу нашрларда ишлаш ҳам шарафли, ҳам оғир, шу билан бирга масъулиятли эди. Унча-мунча одам журнат қилиб газета эшигини қоқолмасди. Сабаби, ходимлар “чертиб-чертиб” олинарди. Газетачилар тили билан айтганда “пичоққа илингани” тахририятда қолиб ишлаш бахтига мурасар бўлашарди. Табиийки, малакали маҳаллий кадрларга, айниқса фотомуҳбирларга эҳтиёж сезиларди. Ушандай пайтларда Ғулом Алиевнинг тахририятга келиши ўзбек фотожурналистиксининг шаклланишига ташланган илк қадамлар деб ҳам айтиш ҳеч муноболага эмас. Шу боисдан ҳам Ғ. Алиев ишга “иштаха” билан шўғил қилди. Тез орада хар иккала — “Ленин йўли” ва “Ленинский путь” газеталарида “Ғ. Алиев суратга олган” деган тағхат билан суратлар кўрина бошлади. Уша

суратларни бугун эслайдиган бўлсак (мен етмишинчи йилда шу тахририятга ишга келганман — А. Х.) Самарқанд воҳасининг бутун галерияси акс эттирилганлигини кўраман. Нурунийлар мармарчилар, Пахтачининг пахтакорлари, Самарқанд, Тайлоқ туманларининг уста боғбон шохибхори Нуробод, Қўшрабонтнинг чўпон-чўлиқлари, Жиззах ҳамда Бухоронинг олис-олис худудларида бунёдкорлик ишлари билан банд бўлган захматкаш инсонларни кўриш мумкин эди. Ёки олиму фузалолар, талабалар, қурувчи-муҳандис шифокорларнинг бутун бир авлоди Ғулом Алиевнинг нигоҳида тарихга муҳрланди. Суратчи-муҳбир ўз замондошларини нафақат газета саҳифаларида кўз-кўз қилди, балки қатор-қатор фотокўргазмалар ташкил этиб, вилоят фотосанъати тарихида биринчи бўлиб ўз ижод маҳсулини томошабинларга тақдим этди.

Жумладан, 1971 йилда республика бадий ва ҳужжатли фотокўргазмада учинчи даражали, 1988 йилда “Тошкент кинофестивали йилномаси” фотокўргазмада биринчи даражали дипломлар билан тақдирланди.

Сурат олишни ҳақиқий санъатга қиёслайдиган Ғулом Алиев нафақат вилоят газеталарида, балки республикамиздаги қатор марказий нашрларида ҳам ўз фотосуратлари, фотоларларини билан фаол иштирок этди. Од

дий фотомуҳбирнинг кўп йиллик самарали хизматлари муносиб мукофотланди. У икки марта ҳукуматимизнинг фахрий ёрликларини олишга мурасар бўлди. 1988 йилда “Халқлар дўстлиги” ордени билан тақдирланди. 1994 йилда эса Республикамиз Президентининг Фармонига биноан Ғулом Алиевга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони берилди.

Ғулом Алиев айни пайтда нафақад бўлиб, ўзининг қўтуғи 70 ёшини нишонлаётган бўлса-да, фотожурналистик касбини улуглаб келмоқда. Юртимизнинг гузал жойлари, истиқлол имкон бераётган фидойи инсонларни суратларга муҳрлайди, касбидан завқ олади.

Шу билан бирга Ғ. Алиев астойдил бадий ижод билан ҳам шўғулланиб келмоқда. Унинг “Афанди бўлиш осонми?”, “Арслон бонинг ўриндиғи”, “Қирқ йилгит ва қирқ санам”, “Иблис қиёфаси” каби шеърый ҳамда насрий китоблари аллақачон ўз ўқувчисини топан.

Меҳнат фахрийси, дилкаш инсон Ғулом Алиев ҳозир ҳам ўзи бир умр тер тўққан, фаолияти шу муқаддас даргоҳда қадр топан “Зарафшон” тахририяти билан мустахкам алоқадда. Тез-тез ташриф буюриб, ёшлар билан учрашади, тажрибаларини ўртоқлашади, хотираларини жонлантиради. Бугунги фаровон ҳаёт ва ўтказган умридан мамнулик ҳисларини туйди.

Шундай мазмуни ва баракали ҳаёт барачага насиб этсин.

Адхам ҲАЙИТОВ, “Шўхрат” медали соҳиби, журналист

Мулоҳаза


ЮКСАКЛАРГА ЕТАКЛАГАН НУР

Инсоннинг маънавиятга бўлган эҳтиёжини чин маънода қондира оладиган восита бу — китобдир. Аммо бугунги жамият кишида, хусусан ёшларда маънавиятга интилиш ҳисси, китоблардан фойдаланиш иштиёқи қандай?

“Hurriyat” газетасининг бир сониде ажайиб суратга кўзим тушганди. Унда нашриётда дунё юзини кўраётган китоблар бир “шоввоз” ёрдамиде дўконга ва ундан маклатура томон йўл оларди. Маклатурадан эса яна нашриётга йўналган оёқ изларини кўриш мумкин. Суратда ҳалиги “шоввоз”дан ўзга ҳеч қандай қаҳрамон кўринмасди...

Сурат ажайиб, аммо кўнглингизни хира тортиради. Ҳўш, бошқалар қаерда? Илм изловчилар — талабалар қаерда?

Улар бозорларда... атрофдаги беэақли ҳаёт ҳаёллари чўлгаб олган. Камини ҳам талаба, дўстларим талаба. Ота-онамиз, яқинларимиз қишлоқда қолган. Уларнинг биздан орзу-умидлари бисёр. Улар ўйлашади: “Болам қийналиб қолмадим, инсоннинг маънавиятга бўлган эҳтиёжини чин маънода қондира оладиган восита бу — китобдир. Аммо бугунги жамият кишида, хусусан ёшларда маънавиятга интилиш ҳисси, китоблардан фойдаланиш иштиёқи қандай?”



қорни тўқми, усти бутми, қачон келлади?

Бизнинг эса ҳаёлларибиз бошқа: “Уйдан қачон пул келаркин, телефон қилсамми?”

Пул ҳам келади. Қайдасан “Отчолар”, қайдасан “Уриқзор”!

Кутубхонада эса китоблар диққат?

Биз кафе-барларда, тунги клубларда, хиёбонларда сайр қилиб юрбимиз. У ердаги ахволимизни ота-онамиз кўра олмайди! Китоблар ҳамон чанг босиб ётибди. Кафе-барларда эса одамлар гав-

жум. Албатта, бу сўзларим бир тоифа кишилар учун. Зеро, ҳаётда уйғоқ — илмга чанқоқ, меҳнатга тиришқоқ маънавиятли кишилар ҳам бор.

Бир курсдошим билан. Уқийша янги келганимизда илми ҳам, гап-сўзлари ҳам ўзига яраша, бир сўз билан айтганда, гуруҳдаги энг сўнги ўринларда эди. Улаштириш қобилияти сезиларли даражада пастрок, лекин у яна бир хусусияти билан ҳам бошқалардан ажралди туради. Китобни ҳеч қўлидан қўймайди. Ҳатто танавфусда ҳам ўқиш билан овора. Бирор дақиқасини зов қилмайди. Мана, учинчи курсни бошладик. Илм тақдор билан деганларидек, бир йил муқаддам деярли ҳамманинг эътиборидан четда бўлган курсдошимиз ҳеч бир муболагасиз айтишим мумкинки, ҳозир гуруҳда етакчи ўринлардан бирини банд этган.

Дарҳақиқат, китоб инсонни юксак чўққиларга бошлайди.

Ғолиб БАҲРОМОВ



Абдураул ҲАКИМОВ чизган сурат

Бу цемент заводи республикамиздагина эмас, Марказий Осиёда ишга туширилган илк санаят корхоналаридан бири ҳисобланади. Утган аср бошларида Тошкентдан Фарғонагача темир йўл ётқизиши сабабли минтақада табиий “қурилиш нони” бўлган цемент ишлаб чиқаришга катта эҳтиёж туғилди.

БЕКОВОДДАН БОЙҚҮНҒИРГА

ёки космодромга цемент етказиб берган корхона

Шундай қилиб Бекободда 1926 йили ўз даври учун анча йирик ҳисобланган цемент заводи қад тиклади. Узунлиги 45 метрли, кўндаланг кесими 2,4 ва 2,1 метрлик айланма печларда Мўғол, Сулуқта ва Жиззах тоғ-қонларидан келтирилган хом ашё тошлардан йилга 2060 тонна цемент ишлаб чиқарилар эди. Орадан ўн йил ўтиб завод самардорлиги уч баробарга ошиб, йилга ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот миқдори саккиз минг тоннага етказилди. Узунлиги 65 метрли айланма печ ўрнатилиши корхона қувватини янада оширишга сабаб бўлди.

Шу кезларда корхонанинг капитал таъмирлаш ишларини олиб борган тажрибали мутахассислар 1955 йилда шифер, 1964 йилда оҳак ишлаб чиқарувчи цехларини ҳам фойдаланишга топширишди. Бу кенг миқёсда ишларда Меҳнат қаҳрамонлари Қ. Фармонов, Р. Сулаймонов, С. Халилов, Ф. Аппазов, Х. Нарзикулов, В. Саралва, Н. Ягъев, С. Собиров каби матонатли ишчи ва мутахассисларнинг хизматлари катта. 1976 йилда корхона етмиш минг тоннагача цемент ишлаб чиқариб, қувватини ўттиз баробаргача оширишга эришди. Бекобод цементининг сифатлигини шу нарсадан ҳам билса бўладики, бойқўнғир космодромидек стратегик қурилишларнинг асосий таъминловчиларидан бири бизнинг мана шу отахон корхонамиз бўлган.

Мустақиллик йилларида корхона ўз фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштиришга киришди. Эндликда корхона бир ойнанинг ўзиде олти минг, бир йилда эса 600 минг тоннагача сифатли “қурилиш нони” ишлаб чиқара олади. Мазкур корхона хомийлик асосида Бекобод шаҳригагина эмас, республикамизнинг кўплаб бошқа туман ва шаҳарларидаги мактаб, боғча, ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилишига хом ашё етказиб бермоқда. Хомийлар ва шифокорлар йилда ҳам кўплаб хайрли ишларни амалга ошириш комбинат бошқарувининг диққат марказида бўлмоқда.


— Биз, жумладан Бекобод шаҳридаги болалар спорти комплекслари учун катта миқдорда маблағ ва қурилиш материаллари ажаратяпмиз, — дейди ҳозирги кунда ушбу йирик комбинатни бошқараётган мутахассис Константин Михайлович Морозов. — Шу билан бирга дунё андозаларига мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бу эса уларни экспорт қилиш ва давлат газнасига қўшимча валюта тушириш иқтисодий бермоқда. Шунингдек, рақобатбардоби маҳсулот қўрилиш номи, товар белгисини жаҳон бозоридан мустахкам ўрин эгаллашга ҳисса қўилад.

Отахон корхонанинг саксон ёшлик кўтуғи санаси нишонланган кун “Бекободцемент” АЖ ҳовлиси ва тантаналар авли меҳнат фахрийлари, маҳаллий ва хорижий меҳмонлар, корхонанинг илгор ишчи-хизматчилари билан гаужум бўлди. “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик” ибораси яна бир бор ўз исботини тоғди. Кўтуғи сана муносабати билан тайёрланган қимматбаҳо совғалар, унвонлар ва мукофотлар ўз ағаларига топширилди. Биз ҳам ушбу аҳил ва ишнинг кўзини билладиган меҳнат жамоасини корхонанинг 80 йиллик тўғи билан қўтлаб, меҳнатда бундан да катта ютуқларга эришишларини тилаб қоламиз.

Турдикул НОРМАТОВ

«БЕКОВОДЦЕМЕНТ» ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 15 йиллиги билан чин юракдан қутлайди!



Сиз, азиз юртдошларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик, оилавий бахт ва истиқлолни мустақамлаш йўлидаги ишларингизда куч-қувват тилайди.

Айниқса, охирги беш йилликда Бекобод шаҳрида барча соҳаларда катта ўзгаришлар рўй бериб, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шу йилнинг ўзида шаҳардаги деярли барча мактаб ва коллежлар тўла-тўқис таъмирланди.

ҚУШАЛОҚ САНА МУБОРАК БЎЛСИН



“Хамкорликда хикмат кўп” деганларидек, бунёдкорлик ишларида шаҳардаги барча корхоналар белни маҳкам боғлади. Айниқса, Бекобод металлургия комбинати, «Бекободцемент» заводи, “Лочин” фирмаси, “Бекобод гишт заводи” каби корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлди.

— Фурсатдан фойдаланиб яқин ҳамкоримиз, ўтириб қолган заводни оёққа туришида катта ёрдам берган иккита гигант корхона — Бекобод Металлургия комбинати ҳамда ташкил этилганга 80 йил тўлган «Бекободцемент» заводи раҳбарияти ва жамоасини Мустақилликнинг 15 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этамиз, шаҳримиз ва мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнашига улкан ҳисса қўишида давом этаверишини тилаб қоламиз.

Сирожддин ОЛЛОБЕРДИЕВ, Бекобод гишт заводи раҳбари

Йўқлов

Бир неча йил аввал "Hurriyat" сонларида ёзувчи Дадахон Нурий қаламига мансуб "Рам соҳибдан ҳаммага салом" номли бадиъа эълон қилинган эди.

У Хиндистонда тарихида этилиб, газета ва журнал саҳифаларида босилганлиги хусусида хабар бергандик.

Шу асар сабаб бўлиб, унинг "қахрамони" Говинда Рам соҳиб билан устоз Озод Шарофиддинов ўрталарида дўстона алоқалар боғланган: Озод домла Рамни энг яқин кишилари ўрнида кўрадилар.

Яқинда Рам соҳиб тахририятимизда бўлиб, Озод ака ҳақидаги ушбу дил сўзлари ёзилган мақолани бизга тақдим этди.

Говинда РАМ

ОЗОД АКАНИНГ НУРАФШОН ХОНАДОНИ

Мен учун отам каби энг қадрдон ва меҳрибон, вақти келса, тежаб-тергаб тўғри йўлга солиб турадиган инсон бўлиб қолган Озод ақанинг аллома шахсларга хос салоҳият кўлами бепоянлиги, одамийлик фазилати чексизлиги, атрофидаги дўсту шогирдларига беҳад содиқлиги ута талабчанлиги ва ниҳоят... метиндай буқилмас ирода кишиси, ҳақиқат жарчиси эканлиги ҳақида кўп гапириш, ёзиш мумкин.

Мен у киши хонадонининг яқин аъзоларидан бири бўлиб қолганим боис, шу гўшадаги гавжум, ҳаётбахш муҳитнинг кичик бир қирраси ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.

Домланинг нурафшон, осудалик нурлари доим ёғилиб турадиган, эшиклари барча учун доим очик хонадонини у кишининг шогирдлари — Ўзбекистоннинг деярли барча олий ўқув юртиларида ишловчи олиму мурраббийлар билан гавжум бўлар, адабиёт, санъат, илм-фан ютук ва муаммолари хусусида гурунглар авжга чиқарди.

Мен домланинг одамлар билан ҳар доим гавжум кенгинга ҳовлисини бирор марта тинч, осуда ҳолатда кўрмаганман. Каттаю кичик, айниқса, ёш ижод аҳли Озод домланинг сўхбатини олиш учун талпиниб келишаверар, турли лавозимларда ишловчи раҳбарлардан ҳам мухлислар бисёр эди.

Баъзан домла ана шу одамлар даврасида гурунгни қизитиб турганлари устига келиб қолардим. Шунда "Дикқат биродарлар", дея мени жамоага таништирар, ва албатта "Кўз-кўзга тушганда "Намаста" деб қолса, каминга ҳурмати юзасидан "Ва алейкум асسالом" деб қўйсангиз эрон ёмон бўлмайди", дердилар.

Кейинчалик Озод ақанинг бу лутфу қарами остида нималар яширин-

ди. Шунга тааллуқли қизиқ бир мисол келтириб ўтмоқчиман: Озод ака касалхонадан даволаниб чиққан куни у кишини йўқлаб бормоқчи бўлиб гулбозорга кирдим. Кўхликка гулбон қизга "Нозик таъб бир инсон учун сара гулларингиздан кўрсатинг-чи!" дейишимни биламан, элик ёшлар чамасидаги ўрта буй, келишгангина бир жаноб ёнгинамда турган экан, елкамга қўлини қўйиб,

билан кўриша кетди. Хонадон соҳиб — Озод ака ҳам гап нимада эканлигини тушуниб ет-гач, ўзини кулгудан тутолмай: — Нега бу гулдастанинг иккови ҳам бир хил десам, ўртада тижоратчи Рам воситачилик қилиб, арзонгаровга олиб берган экан-да! Энди Фафур соҳиб!

— Эшитаман, буюринг Озод ака? — Бу масала сийсий тус олиб кетмай, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолсин десангиз, бир шартни бажарасиз.

Мехмон Озод акага яқинроқ келиб сўради: — Нима шарт экан?

— Хуш шу нарса маълум бўлдики, Сиз Фазаф Фафур жаноблари Рам соҳиб билан гулбозорда учрашиб, бир-бирингизни танимагансиз. Мана энди бу ерга келиб қадрдон бўлиб қолдингиз. Ўзи бу йигит ёмон бола эмас. Шундай экан, ҳозирнинг ўзида мана шу бизнинг хонадонимизда "Хиндистон — Покистон бхай-бхай!" деб биродар тутинасизлар. Вассалом!

— Шу ҳолосми? Озод ака Фафур соҳибга қараб, қўлларини икки томонга ёздилар: — Мен ожиз бир бандаман. Бошқа нима дея олардим!

Фафур соҳиб бир лаҳза ўйланиб қолди, жилмайганича қўли билан менга ишора қилди: — Бизнинг ҳам худди шу Рамга ўхшаш ўғлимиз борлигини яхши биласиз, оти — Асадуллахон! — деди Озод акага ўтирилиб, — Утган йили мехмонингиз бўлиб, дуонгизни олганди. Мана энди рафиқангиз Шарофат бхайбхи (кеннойи) гувоҳлигида, ўзингизнинг қутлуг номингизга хос шарофатингиз билан бир ўғлимиз иккита бўлади-ю, йўқ деймизми! — дея шоирона лутф қилди-да, мени бағрига босди. Сорилик хоним пешонамдан ўтди...

Озод ақанинг дўстлар билан оқобод ва қутлуг хонадониди мана шу учрашув сабаб Покистоннинг Тошкентдаги Фахуллода ва Мухтор элчиси Фафур жаноблари билан ота-боладай қадрдон бўлиб кетди.

У киши билан доим телефон, хат орқали алоқа қилиб турадим. Озод ақанинг ақойиб фазилатлари ҳақида гаплашамиз. Охирачлари оқобод ва нурафшон бўлсин дея дуолар қиламиз.



Говинда Рам бошлиқ ҳамюртларимиз кўмағида Чорбоғдаги "Ёзувчи" дала-боғ кўрғонига Озод ака Шарофиддинов ҳакамчилигида ҳар йили ўтказиладиган анъанавий "Адиблараро шахмат турнири" ("Бўстонлик, 2005 й. 14 август) солибларига мукофот топшириш лаҳзаларидан бир лаҳза. Сурат илк бор эълон қилинмоқда. Н. МУХАММАДЖОНОВ фотоси

нотаниш жанобга ўзим харидор бўлган чиройли гулдастани узатдим. У киши қаршичилигига қарамай ёнмига пул солди-да, тез-тез юриб нарироқда турган "Мерседес" машинаси томон кетди... Тасодифий қарангки, орадан бир соат ўтар-ўтмас ўша соҳиб сорий кийган хоним — рафиқаси билан Озод ака хонадонига кириб келди ва шодон қаҳ-қаҳ уриб, мен

Санъат

ЭЙЗЕНШТЕЙНГА ИЛҲОМ БЕРГАН ТАМАРА ХОНИМ

Халқ артисти Тамара Хоним шўх, қувноқ, тетик кайфият уйғотадиган қўшиқ, лапар, рақсларни ёқтирарди. Аслида унинг ўзини ҳам ҳаммаша шундай — руҳий тетик ҳолда учратардик. Сўнги учрашувларимизнинг бирида ҳаста Тамара Артемьевнанинг юзларидан табассум аримади. Айтган гаплари эса ҳам қулгун уйғотди, ҳам ўйлантириб қўйди:

— Мен билан видолашганимизда замбаракдан ўқ отиб туришин. Ҳарбий унвоним бор. Фронгда бўлганман — ҳаракатдаги жанг қилаётган фронгда!

Бошқа кўнлари эса меҳмондўст хонадонинг бекаси сизга шевшоз чиқар, табассум ила ичкарига таклиф қўлар, хушбўй, ранги ҳам тиник чой дамлаб олдингизга қўяр, сўнгра зални эслатадиган катта хоналардан ранг-баранг либосларини, фотосуратларини кўрсатар эдилар.

— Чойингиз хушбўй, ёқимли. Дамлашни қўйиб қўлар экансиз! — десак, Тамара опа: — Сир дамлашда эмас. Кўпроқ қуруқ чой-да. Мана бу идишга хар хил чойларни аралаштириб қўяман. Ҳинд чойининг хушбўйлиги бор, Шейлон чойининг ранги, бакуватлиги — уни қайнатсангиз ҳам айнамайди, — деб чиройли, бежирим идишларга чой қўйиб берар, сўхбат мавзусини чекламай гоҳ рақс санъатининг имконияти, гоҳ унинг мусиқага боғлиқлиги, гоҳ эса қўлдан қўп ҳамкасблари ҳақида сўзларди. Киночилардан Малик Қаюмов ва Раҳ Катурни тез-тез тилга олар, уларнинг фильмлари ҳақида хайратла қилиб сўзлардилар.

Бир гал чой охираб қолган, фотиҳа ўқилишга санокчи дақиқа қолганида анчадан бери ўйлаб юрган саволимни бердим:

— Сергей Эйзенштейн билан учрашгансиз, деб эшитганман. У маданиятимизни ўрганган, унга меҳр қўйган шахс...

— Ха, икки марта келган эди хонадонимизга. Ёнида яна бир амаки бор эди. Кўп савол бериб, тинглаб ўтирарди. Сўзлашдан қўра тинглашни ёқтирарди. Аслида тинглай билмиш — бу санъат. Хар ким ҳам сўхбатдошининг гапини бўлмасдан эшитиб, фикр юритиб ўтиришга сабр-тоқат қилолмайди. Бизникида бир гал мендан рақс тушишимни, лапар айтишимни илтимос қилди. Яна бир келганида кизимнинг рақсини кўриб, чапак чалиб, нималаридир шойиб-пишиб ёзган эди.

Тамара опанинг ҳикояси тафсилотлари бизни қизиқтириб қолди. Ахир жаҳон тан олган санъаткор ва олим юртимизда фильм, сценарий яратиб ниҳоятда бўлгани, Тамара Хонимдек истеъдод соҳиб бири маслаҳатлашгани кизиқарли-да! Шу боис шахсий ва давлат архивларида қўп ҳужжатлар, фотосуратларни ўргандик. Москвадаги ЦГАЛИ (центральный государственный архив литературы и искусства — санъат ва адабиёт архиви) фондлари, айниқса, диққатимизни тортиди. Эеро, Сергей Эйзенштейн архивининг қўп қисми худди ўша ерда сақланади.

Сергей Михайловичнинг ён дафтариде Тамара Хонимнинг Тошкентдаги хонадон адреси ёзиб қўйилган экан... Эйзенштейн чизган расмларда ўзбек рақси ҳолатлари, ҳаракатлари ўз ифодасини топангани кўриб яна хурсанд бўлдик. Ниҳоят, энг муҳим хусусиятини топгандек бўлдик. Режиссёр, сценарийнавис Тамара Хоним билан бўлган учрашув ҳақидаги мулоҳазаларини ёзиб қўйдирган экан! Кўлэма сийёҳда ёзилган. Учирлиган сўзлар, қайта тузилган жумлалар учрамайди. Уткир зехли муаллиф ўша учрашувдан таъсирланиб, завқ-шавақ билан ёзган қўрилади. Ўша сатрларни сиз ҳам ўқиб кўринг. Таржиманда кўлэманнинг руҳини сақлаб қолишга ҳаракат қилдик: "Қўнлардан бир кун хайрлашми мақсадида Тамара Хонимнинг уйига бордик. Кўчанинг жазира-ма иссиғи, кичкинагина ҳовлининг димлигидан кейин мехмонхона жуда салқин кўринди. Павленко (Пётр Павленко — С. Эйзенштейнга шерик муаллиф, машҳур ёзувчи) ўша кун бизга ҳамроҳ бўлган эди. Утган гал Тамара Хоним ўзининг рақосалик санъатини намойиш этган эди. Бу гал эса мезбон бир совғаси билан бизнинг кўнглимизни олди. Уртага ташланган гиламда унинг қизи — Лола пайдо бўлди. Рақсда Лола..."

Воқеанинг давомини хар ким дарҳол англаши мумкин. «Павленко билан учрашганимизда янги ечим



йўлини айтдим. Тўхтастининг ("Фаргона канали" фильми қахрамони) яна бир қизи бўлади. Бу қизалоқнинг рақсини Тўхтастининг қувончи билан боғлаймиз. Худди шу рақс сўдан, борлигидан ажралиб қолган Тўхтастининг драмаси билан боғлиқ бўлади. Жажжи қиз Лола сценарийни яна бир жиҳатдан бойитади: унинг ўлими отаси юртидан бош олиб чиқиб кетишига сабабчи бўлади. Тўхтастин тарки дунё қилиб чўлга, тоғларга, харобаларга кетишга мажбур бўлади. Элидан нарироқда, заминдан йироқда бўлишни истайдди. Зотан, у ерда кимдир пешонаси терини тўқиб меҳнат қилади. Сув эса бир ҳовуч бойларнинг қўлида... Кичкина Лоланинг драмаси сценарийнинг иккинчи қисминини учинчиси билан узиб-кесил боғлайди!"

Москвадан қайтиб келган, Тамара Хонимнинг хонадонига яна йўл олдим. Бу гал ҳам Хоним табассум билан қўлиб олдилар, тўрға ўқизиб машҳур чойларини дамладилар. Сўхбат аввало ўз ансамблларига Европада тарқатган чолғуларни ҳам киритмоқчи бўлганларини айтдилар.

— Негадир мени ҳамма ҳам қўллаб-қувватламапти, ансамблингизда фақат ўзбек чолғу асослари бўлсин, шунда мусиқа ижроси, овозингиз ажралай туради, дейишиб йўлга туғанок бўлишпти, — деб бироз дардларини айтдилар.

— Тамара Артемьевна, афт этасиз, ҳинд хонадонда ўз ансамблига скрипкани киритишга кўнмаса керак. Скрипка нозик чолғу. Унинг овозини бирорта чолғу бера олмайдди. Лекин ўзига хос кўлини ижро этадиган анъанавий ҳинд ижро услубига содиқ қолган ансамблига Европа чолғуси тўғри келмас. Сизнинг репертуарингиз кенгрок. Шароит бирмунча ўзгача, лекин ижронинг ўзига хослигини сақлаб қолиш учун бу ҳақда ўйлаб кўриш керакмикин, — дедим-да, ташрифим сабабини айта бошладим: — Кеча сафардан қайтдим. Москвадаги архивда С. Эйзенштейннинг кўлэмаси сақланган экан. Унда Сергей Михайлович 1939 йилнинг саратон қўнлари хонадонингизга келганини ёзган экан. Эшитинг, — деб "Фаргона канали" сценарийни муаллифининг мулоҳазаларини ўқиб бердим.

— Ўша фильм нима учун суратга олинмаган экан? — деб сўраб қолдилар Тамара опа.

— Таққиланши сабаби бирорта ҳужжатда кайд этилмаган. Фақат Тошкентда Павленко юборган бир телеграммада "... биринчи (тарихий) қисмининг вазирлиқда қисқартиришди. Кўнмаяман..." деб ёзилган. Шайхонтоҳурдаги киностудияга — Эйзенштейн номига юборилган худди шу телеграмманинг орқа бетига Сергей Михайлович шойибли ёзган жавоб матни ҳам сақланиб қолган экан: "Биринчи қисмининг механик тарзда сценарийдан олиб ташлаб асарининг яхлит композициясини сақлаб қолиб бўлмайди. Сценарийни тўлалигича сақлаб қолиш учун барча тадбирларни кўринг. Эйзенштейн."

— Зўр фильм бўларди-да! Жуда қизиқиб, масъулиятни сезиб иш бошлаган эдик. Бирорта кадр топилмади-ку? Менинг уйимда ҳам суратга олишган эди-ку?

— 2000 метр кино тасмасига тасвир туширилган. Москвага қайта ишлаш учун юборилган. Қайтиб келмаган. Йўқ қилинган, чамаси. Бормаган архивим қолмади: Красногорскдаги, Белье столбдаги, Москвавинг ўзидеги ЦГАЛИ фондларини кўп ўргандим.

Тамара опа ўйлаб қолдилар. Сўнгра: — Бу иш билан шугулланидан бўлсангиз, эсингизда бўлсин, Эйзенштейн Иzzат Султон билан кўп гаплашган. Усмон Юсупов билан яқин алоқда бўлган. Аслида Эйзенштейн бошчилик қилган ижодий ўртада Тошкентга таклиф этган киши Усмон ака эдилар, — деб маслаҳат бердилар. Шу боис сўхбатинг давоми Иzzат Отахонович билан бўлган эди.

Хамидулла АКБАРОВ

Сана

Бугун қандай кун?

6 сентябрь — Свазиленд мустақиллиги, Покистон мудоффа кўни. Бу санада жаҳон тарихида қўйидаги муҳим ҳодисалар рўй берган:

- 1522 йил. Фернандо Магеллан эскпедициясининг тирик қолган 17 аъзоси тарихда биринчи бўлиб Ер юзини айланиб чиқишди.
1622 йил. Америка қитъасидан катта олтин захирасини олиб келаётган испан флоти Кариб хавзасида туффон туфайли ҳалокатга учради. Табиий офат пайтида мингга яқин киши қурбон бўлди.
1852 йил. Англиянинг Манчестер шаҳрида беғул хизмат кўрсатувчи биринчи кутубхона иш бошлади.
1873 йил. Муҳаммад Раҳимхон II — Феруз Хива хонлиги Россияга тобе эканини тан олди.
1943 йил. Гарвард университетиде чиқиш қилган Англия бош вазири Уинстон Черчилль келгусида АҚШ ва Британия халқи яғона давлатта эга бўлишини эълон қилди.
1952 йил. Канадада биринчи телестанция ишга тушди.
1987 йил. АҚШнинг Балтимор шаҳрида синам эгизаклари илк бор жарроҳлик йўли билан ажратиб олинди.
1998 йил. Малика Динани дафн этиш маросимини 2,5 миллиард томошабин кўзатди. Бу жаҳон тарихидаги энг катта телеаудитория ҳисобланади.
1999 йил. Порт-Саид шаҳрида Миср президенти Хусни Муборакка қарши суиқасд амалга оширилди. Муҳолиф томонидан пичоқ билан қилинган ҳужум оқибатида президент жароҳланди.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ



Ўзбек атласи хорижликларни ҳам хайратга солмоқда

ХУНАРЛИ ЭР ХОР БУЛМАС...

Хунар билан ақлинг бириккан ҳамон, Хар иш бу жаҳонда юришгай равон.

ФИРДАВСИЙ

Хунар ўрган, чунки хунарда кўп сир, Ёпиқ эшикларни очар бирма-бир.

НИЗОМИЙ

Ҳеч кимга алинимс хунарли инсон, Ризқин ўз боғида топади боғбон.

САЙИДО НАСАФИЙ

Умрни зое этма, меҳнат қил, Меҳнатни саодатнинг калити бил.

АЛИШЕР НАВОИЙ

Саодатни хунарга ёр қилгил, Хунардин бизни хабардор қилгил.

ХОРАЗМИЙ

Инсоннинг қиммати эмас сийму зар, Инсоннинг қиммати илм ҳам хунар.

БЕДИЛ

Бу дунё ўзи хайрон, хайрон бўлиб яралган, Кўз ўнгингда неча бор вайрон бўлиб яралган.

Фалакка қўл узатиб илтижо этар инсон — Хар ишга қодир одам сарбон бўлиб яралган.

Хусанжон АМИН-ГУЗОРИЙ

Қолмас жаҳон ичра мангу киши, Фақат қолгуси яхши ному иши.

САЪДИЙ

Ишга яраб қолса, илминг бир муддат, Яна оширмоққа айлагил шиддат.

МИРЗО УЛУҒБЕК

Хусанбой ТОЖИМАТОВ тўйлади

Аҳвол

ШУ ҲАМ ИНСОФДАНМИ?

Газета ва журналларни мунтазам равишда олиб турадиган инсон аслида қанча маънавий бойликка эгалик қилади? Улар орқали дунёдан хабардор бўлиб тураемиз, маслаҳат ва йўл-йўриқлардан баҳраманд бўлаемиз. Бундан ташқари, матбуот нашрларида ота-оналаримиздан эшитмаганларимиз — кўпдан кўп маслаҳатларни, доно ўғитларини ўқиб, қалбимизга жо қилаемиз. Шу жиҳатдан олганда бу нашрларнинг вазифаси жуда эътиборга лойиқ. Рўзномалар саҳифала-

рида ҳадис ва оятларнинг бериб турилиши сўзга уланган сўзининг ҳам, сўзлар муҳрланган қоғозларнинг ҳам қимматини ўстиради. Бирок азиз ўқувчилар томонидан шу нашрларга, уларда чоп этилаётган табаррук қаломларга муносабат ачинарли аҳволдадир. Дейлик, рўзномани кўнглимизда кўнглимизга эътиборини элчи сингари қарамаймиз. Унда берилаётган ҳадислар ёки бошқа табаррук ёзувларни эҳтиётлаш ўрнига уларни дуч келган жойга таш-

лаймиз. Оёк ости қилаемиз. Теварақка назар ташласак, рўзномаларни қаерларда учратамиз. Кўнгра семичкафурушлару пистафурушлар қўлида, ахлатхоналарда оёк остида хор бўлиб ётади. Шу ҳам инсофданми? Шу ўринда бир масалани ойдинлаштириб олмақ керак. Еки одамлар онгига газета-журналларда муқаддас қаломлар босилаётганини етказишга эришиш керак ёки ҳақису оятларини бўлса-бўлмаса қоғозларга нусха қўйиб тарқатвермаслик зарур деб

ўйлайман. Менимча, республикамизда чиқарилаётган барча рўзномаларда ҳам бу борада жиддий ўзгариш ясаш керак. "Ислому нури" жаридасининг бир чеккасида мана шундай сўзлар битилган: "Жаридамизда оят ва ҳадислар борлигидан уни ҳурматлашнингизни, нолийқ жойларга ташламаслигингизни сўраймиз". Бир оддий муштарий сифатида барча газета ва журналларда ҳам шундай доимий изоҳ албатта бўлишини истардим. Токи матбуот нашрларига муносабат масаласида одамларда масъулият хисси шаклланиб борса, нур устига нур бўлар эди.

ҚАДРДОН ЮРТДОШЛАР! АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ТУРОН БАНК бутун Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги билан чин дилдан табриқлайди ва байрам арафасида янги "ШОДИЁНА" омонатини тақдим этади! Омонатга пул маблағлари янги энг қулай шартлари билан камида 50 000 сўм миқдорда йиллик 24 фоиз 5 ой муддати билан фоиз даромадлари ойма-ой тўлаб берилади. Туронбанкнинг барча вилоятлардаги жамғарма кассалари орқали жорий йилнинг 25 августидан 15 октябригача қўйишингиз мумкин. Вақтингизни ўтказмай, қулай имкониятни бермай янги хизматдан фойдаланинг! Сизнинг омонатларингиз қафолатланган! Мурожаат учун телефонлар: 144-32-52, 144-01-95 Турон банк Сиз билан, Сиз учун!

HURRIYAT Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁЕВ Тахрир хайъати: Хуршид ДУСТМУХАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳор ИБРОХИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚУЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. Индекс: Яққа обуначилар ва ташкилотлар учун — 233 Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ Топширилди вақти — 21.00 Топширилди — 20.00 Буюртма — Ғ - 1155 Т: 2202 1 2 3 4 5 Тахририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.